

ЭРОН ТАШҚИ СИЁСАТИГА ОИД ХОРИЖИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Д. Ходжимуратова
ТДШУ таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

Ҳозирга қадар Эрон ташиқи сиёсатини ўрганиши бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, Эрон ташиқи сиёсати концепцияси, асосий йўналишлари ва тамойиллари, халқаро муносабатлари бир қатор маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасаларидада муҳим илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилган. Мақолада Эрон ташиқи сиёсати, унинг устувор йўналишларини тадқиқ этган хорижлик олимларнинг илмий ишлари муаммовий асосда ўрганиб чиқилади. Мавзу доирасидаги адабиётларни таҳлил қилиши натижасида Эрон ташиқи сиёсий фаолиятининг нисбатан кам ўрганилган йўналишларини кўрсатишига ҳаракат қилинади.

Калит сўзлар: Эрон ташиқи сиёсати, концепция, Эрон ислом инқилоби, Рухуллоҳ Хумайний, Али Хаманей.

АННОТАЦИЯ

До сегодняшнего дня проводились определенные работы по изучению внешней политики Ирана. В частности, концепция внешней политики Ирана, ее основные направления и принципы, ее международные отношения изучались в научных центрах и высших учебных заведениях ряда местных и зарубежных стран. В статье на проблемной основе рассматриваются научные работы зарубежных ученых, исследовавших внешнюю политику Ирана и ее приоритеты. В результате анализа литературы в рамках темы делается попытка показать относительно малоизученные направления внешнеполитической деятельности Ирана.

Ключевые слова: внешняя политика Ирана, концепция, исламская революция в Иране, Рухулла Хомейни, Али Хаменеи.

ABSTRACT

Up to the present time, there have been certain works on the study of Iran's foreign policy. In particular, the concept of Iran's foreign policy, its main directions and principles, its international relations have been studied in scientific centers and higher educational institutions of a number of local and foreign countries. In the article, scientific works of foreign scientists who have studied Iran's foreign policy

and its priorities are considered on a problematic basis. As a result of the analysis of literature within the framework of the topic an attempt is made to show the relatively understudied directions of Iran's foreign policy activity.

Keywords: *Iranian foreign policy, concept, Islamic revolution in Iran, Ruhollah Khomeini, Ali Khamenei.*

КИРИШ

Шарқ ва Ғарб экспертлари ва таҳлилчилари даврасида Эроннинг ички сиёсати билан биргаликда ташқи сиёсати ҳам кенг миқёсда ўрганилмоқда. Бунда улар давлатнинг ташқи сиёсатида туб ўзгаришлар бўлишига олиб келган ислом инқилобининг асосий сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Эрон ўзининг ички ва ташқи сиёсий омиллар таъсирида шаклланидиган ва тегишли принциплардан иборат бўлган ташқи сиёсат концепциясини оммага кенг эълон қилмайди. Бироқ, мазкур принципларни ҳар доим ҳукмрон доиралар ва мамлакат раҳбарининг ташқи сиёсат соҳасидаги амалий фаолиятини таҳлил қилиш орқали, шунингдек, Эроннинг даврий нашрлари ва Ташқи ишлар вазирлигининг тегишли ҳужжатларида эълон қилинадиган Эрон раҳбарияти айрим вакилларининг баёнот ва нутқларидан билиб олиш мумкин.

1978–1979 йилларда Эронда амалга оширилган ислом инқилоби XX аср охири – XXI аср бошларида давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида юз берган ўзгаришларни белгилаб берди. Оятуллоҳ Рухуллоҳ Хумайний, кейинчалик унинг вориси Али Хаманей бошчилигидаги Эрон раҳбарияти инқилобий шиорларга таянган ҳолда ижтимоий адолат жамиятини қуришга ҳаракат қилди. Айни вақтда ислом ақидалари асосида давлатни ривожлантиришнинг ғарб таълимотларига муқобил назариясини яратиш ва жорий этиш вазифаси қўйилди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Хориж шарқшунослари Эроннинг ташқи сиёсатини ҳамда айрим давлатлар билан икки томонлама муносабатларини ўрганишга катта эътибор бермоқда. Ҳозирги вақтда ушбу масалаларни ўрганишга бағишланган кўплаб илмий ишлар мавжуд. Жумладан, Эрон Ислом Республикасининг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда ташқи сиёсий фаолияти, Олий раҳбар Р. Хумайний ва А. Хаманей бошчилигидаги мамлакатнинг жаҳон сиёсатидаги иштироки, шунингдек, Техроннинг дунё ва минтақа давлатлари ўртасидаги

муносабатларнинг ривожланиш тарихини кўриб чиқишни ўз ичига олган форс, инглиз ва рус тилларидаги бир қатор манбалари ўрганилди.

Эрон Ислом Республикасининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни, шунингдек, ислом инқилобининг республика вужудга келишига таъсири С.Агаев¹, Л.Авдеева², С.Алиев³, С.Дружиловский⁴, А.Лукоянов⁵, Э.Калинин⁶, А.Резников⁷, Л.Скляр⁸ россиялик эроншунос олимлар томонидан чуқур ўрганилди. Собиқ Совет Иттиқофи даври нашрлари орасида А.Арабажяннинг “Эрон инқилоби: сабаб ва сабоқлар”⁹ монографияси алоҳида ўрин тутди. Унда муаллиф 1979 йил воқеаларида шиа руҳонийлари етакчилик қилганини ва Эрон ташқи сиёсати исломлашиб бораётганини таъкидлаган. В.Ушаковнинг монографиясида¹⁰ XX асрнинг 80-90-йиллари ислом инқилобини экспорт қилиш фаолияти натижалари таҳлил қилинган. Шунингдек, муаллиф Техрон “ислом маданий инқилобини экспорт қилиш” сиёсатининг турли кўринишларини, жумладан, Эроннинг “исломий умумий бозор” ташкил қилиш борасидаги фаолиятини ҳам ўрганган.

Хорижий эроншунос олимлардан Д.Минешри ва Г.Виллиям¹¹ каби муаллифларнинг асарларини алоҳида қайд этиш жоиз. Муҳаммад Ризо Годснинг XX асрдаги Эрон сиёсий тарихини ўрганишга бағишланган ҳамда Р.Хумайний сиёсати ва қарашлари таҳлил қилинган фундаментал асари ҳам диққатга сазовордир¹².

Эрон ташқи сиёсатини ўрганган тадқиқотчилар қаторида Л.Кулагина ва А.Бининашвилининг ишларини алоҳида қайд этиш лозим. “1978–1979 йиллардаги Эрон инқилоби: сабаб ва сабоқлар” монографиясида қайд

¹ Агаев С.Л. Иран в прошлом и настоящем (Пути и формы революционного процесса). — М.: Наука, 1981. — 274 с.; Агаев С.Л. Иран: рождения республики. — М., (Нашриёт) 1984. — 242 с.; Иранская революция, США и международная безопасность: Сб. науч. ст. — М., 1984. — 283 с.; Иран между прошлым и будущим: события, люди, идеи. — М., 1987. — 319 с.

² Авдеева Л.Е. Иранская революция 1978–1979 гг.: причины и уроки. — М.: Наука, 1989. — 557 с.

³ Алиев С.М. История Ирана — XX век. — М.: ИВ РАН, 2004. — 644 с.

⁴ Дружиловский С. Б. Исламская Республика Иран: на рубеже 80–90-х гг. — М.: МГИМО, 1992. — 116 с.

⁵ Лукоянов А.К. Исламская революция Иран — опыт первый (1979–2009). — М., 2009. — 396 с.

⁶ Калинин Е.Л. Исламская революция 1979 года в Иране. Записки очевидца. — М.: Институт востоковедения РАН, 2010. — 236 с.

⁷ Резников А.Б. Иран: падение шахского режима. — М.: Политиздат, 1983. — 163 с.

⁸ Скляр Л.Е. Иран 60–80 годов: традиционализм против современности. Революция и контрреволюция. — М.: Наука, Восточная литература, 1993. — 255 с.

⁹ Арабаджян А.З. Иранская революция: причины и уроки. — М.: Наука, 1989. — 556 с.

¹⁰ Ушаков В.А. Иран и мусульманский мир. 1979–1998 гг. — М., 1999. — 214 с.

¹¹ Menashri D. Post-Revolutionary Politics in Iran: Religion, Society, and Power. — Portland, 2001. — 365 p.; Iran: A Decade of War and Revolution. — Шахр: Holmes & Meier, 1990. — 410 p.; The Iranian revolution and the muslim world / ed .D. Menashri. — Routledge, 2019. — 292 p.; William G. Saudi Views of the Iranian Revolution. Ideology and Iranian Revolution / edited by Shahrukh A. — New York, 1985.

¹² Реза-Годс М. Иран в XX веке. Политическая история. — М., 1994. — 354 с.

этилганидек, ЭИР умуммиллий сиёсатининг асосига “На Шарқ, на Ғарб фақат Ислом” принципи қўйилди. Шу боис ҳам дастлабки йилларда ташқи сиёсатда “ислом инқилоби” ғалабасидан кейинги саъй-ҳаракатлар икки йўналишда — 1) Эроннинг шоҳ давридаги халқаро муносабатлар тизимини тубдан ўзгартириш; 2) Ислом Республикасининг жаҳон сиёсатига тўлиқ интеграцияси¹³ — йўналишларида кечди. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, Л.Кулагина Яқин Шарқдаги сиёсий вазиятни Ироқ урушидан кейин “Эрон ташқи сиёсатининг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатган” энг муҳим омиллар қаторига киритди¹⁴.

Эрон ташқи сиёсатига оид асарлар мамлакат тарихшунослигининг муҳим қисмини ташкил этиб, Эрон ташқи сиёсати фаолиятининг халқаро майдондаги ривожланиш эволюциясини таҳлил қилиш имконини беради. Масалан, С.Дружиловский¹⁵, С.Кондратьев¹⁶, Л.Кулагина¹⁷, К.Марков¹⁸, В.Ушаков¹⁹ ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўз ташқи сиёсатининг йўналишини ўзгартиришдек мураккаб босқични бошлаган Эроннинг ташқи сиёсат соҳасидаги қадамлари таҳлил қилинган. 1990-2000 йиллар расмий Техрон ва Яқин Шарқ минтақасидаги давлатлар ўртасидаги алоқалари қай ҳолатда бўлганидан қатъий назар, Эрон мазкур минтақадаги асосий куч марказларидан бири бўлиб қолаётганини кўрсатди. Президент Али Акбар Ҳошимий-Рафсанжоний ва унинг давомчилари бўлган Муҳаммад Хотамий, Маҳмуд

¹³ Кулагина Л.М. Первые внешнеполитические акции ИРИ. Внешняя политика Временного революционного правительства // Иранская революция 1978–1979 гг.: Причины и уроки. — М., 1989. — С. 384–387.

¹⁴ Кулагина Л.М. Новые тенденции во внешней политике ИРИ в связи с обострением политической обстановки на Ближнем Востоке // Иран и Россия: Сб. науч. ст. — М.: ИИИиБВ, 2004. — С. 27.

¹⁵ Дружиловский С.Б. Мировое сообщество и новая внешнеполитическая концепция Ирана // Иран: диалог цивилизаций. — М.: Муравей, 2003.

¹⁶ Кондратьев С.С. Особенности внешней политики ИРИ на пороге тысячелетия // Ближний Восток и современность. Вып. 14. — М., 2002.

¹⁷ Кулагина Л.М. Новые тенденции во внешней политике ИРИ в 90-е годы (экономика, политика, культура) // Иран: эволюция исламского правления. — М., 1998; Кулагина Л.М. Внешняя политика ИРИ после войны в Ираке // Ближний Восток и современность. Вып. 19. — М., 2003; Кулагина Л.М. Новые тенденции во внешней политике ИРИ в связи с обострением политической обстановки на Ближнем Востоке // Иран и Россия. — М.: ИИИиБВ, 2004.

¹⁸ Марков К.В. Системно-структурный анализ внешней политики Ирана на рубеже XXI века // Новые тенденции в международных отношениях в Азии. — М., 2002.

¹⁹ Ушаков В.А. Иран: два подхода к выбору модели развития // Ближний Восток и современность. Вып. 11. — М., 2001; Ушаков В.А. Внешняя политика Ирана и эволюция понятия «экспорт исламской революции» в 90-е годы // Иран: эволюция исламского правления. — М., 1998. — С. 67–98; Ушаков В.А. Иран и мусульманский мир. 1979–1998 гг. — М., 1999; Ушаков В.А. Иранская внешняя политика накануне XXI го века // Ближний Восток и современность. Вып. 6. — М., 1998. — С. 226–245; Ушаков В.А. Внешняя политика Исламской Республики Иран после революции 1978–1979 гг.: Автореф. дис. ... д-ра ист. наук / Ин-т востоковедения РАН. — М., 2000. — 33 с; Ушаков В.А. Дипломатические отношения ИРИ и перспективы их развития в начале третьего тысячелетия (2000–2010 гг.) // Новые тенденции в международных отношениях в Азии. — М., 2002.

Ахмадинаждо ва Ҳасан Рухоний даври минтақавий муаммоларни ҳал қилишда Эрон жуда муҳим ўрин тутишини тасдиқлади.

В. Юртаев²⁰ диссертациясида Эрон Ислом Республикасининг 1979–2010 йиллардаги ташқи сиёсий доктринасининг шаклланиш йўлини кўриб чиққан. Ушбу тадқиқотда 1980–1990 йилларга оид форс тилидаги муҳим манбалардан фойдаланиб, янги атамаларни илмий муомалага киритилган. Муаллиф расмий таълимотлар ва ҳужжатларга катта аҳамият бериб, Эрон ташқи сиёсатининг ташкилий томонини ўрганишга эътибор қаратган. Ҳолбуки, Техроннинг ташқи сиёсатдаги қадамларини белгиловчи омиллар фақат шулардан иборат эмас эди.

Эрон ташқи сиёсатини ўрганган мутахассисларнинг инглиз тилидаги асарлари орасида К.Барзегор, М.Боргеи, М.Сажадпур, М.Санойи каби бир қанча асли эронлик муаллифларнинг, шунингдек, Ҳ.Моулон, Сайид Р. Мусавий, Р. Рамазоний ва бошқаларнинг асарларини алоҳида қайд этиш лозим²¹. Муаллифлар мафкура асида Эрон ташқи сиёсатини белгиловчи энг муҳим омиллардан эканлигини қайд этганлар. Шу ўринда Эрон ташқи сиёсатини ўрганишда форс тилидаги манбалар алоҳида ўрин тутишини таъкидлаш жоиз²².

²⁰ Юртаев В.И. Особенности и реализация внешней политики Исламской Республики Иран (1979–2010 гг.): Дис. ... д-ра ист.наук / РУДН. — М., 2012. — 439 с.

²¹ Barzegar Kayhan. Balance of Power in the Persian Gulf: an Iranian View // Middle East Policy. — Vol. — 17. Issue 3. — 2010. — P. 74–87; Borghai Mohammad. Iran Religious Establishments // Tran: Political Culture in the Islamic Republic. — Routledge, 1992; Саджадпур Карим. Аятолла Хаменеи: Высший руководитель // Pro et Contra. — 2008. — №4 (июль–август); Саджадпур Карим. Читая Хаменеи: Взгляды на мир самого влиятельного деятеля Ирана / Пер. с англ. А.С. Сатунина. — М., 2009; Sajjadpoore M. Iranian's Foreign Policy. Theory and Practice. — Washington, 2003; Санаи М. Внешняя политика Ирана: между историей и религией // Россия в глобальной политике. — 2006. — № 1 (январь–февраль); Санаи Мехди. Диалог цивилизаций и исламский фактор // Диалог цивилизаций: исторический опыт и перспективы XXI века. — М.: РУДН, 2002. — С. 25–28; Mousavi Rasoul Seyyed. The Future of the Caspian Sea after Tehran Summit // The Iranian Journal of International Affairs. — 2008-09. — Vol. XXI. — №1–2 (winter-spring). — P. 27–42; Ramazoni R. Revolutionar! Iran, Challenge and Response in the Middle East. — Baltimore: John Hopkins University Press, 1986.

²² 2002. Азганди А. Эроннинг ташқи сиёсати. — Техрон, 2002. (форс тилида); Абади Фироз دهقانی دکتر سید جلال. سیاست خارجی جمهوری اسلامی ایران – تهران: سازمان مطالعات و تدوین علوم انسانی دانشگاه ها (سمت) 1388. [Dehghani-Firuzobodiy Sayid Jalil. Эрон Ислом Республикасининг ташқи сиёсати. — Техрон (2011/2010) (форс тилида); عوامل مؤثر بر سیاست خارجی ایران // تاریخ زکی، ایرج. فصلنامه سال اول 1378، زمستان، شماره 1 // تاریخ روابط خارجی [Зоуки Ираж. Эроннинг ташқи сиёсатига таъсир этувчи омиллар // Ташқи сиёсат тарихи]. Чораклик журнал. — Техрон: ЭИР ТИВ Ҳужжатлаштириш ва дипломатия тарихи маркази, 2000. — № 1.] — С. 99–110. (форс тилида); نگاهي به سیاست خارجی جمهوری اسلامی ایران / نسرین مصفا – تهران، 1384. (форс тилида); Эрон Ислом Республикасининг ташқи сиёсатига назар: Мақолалар тўплами / Н. Мусаффо таҳрири остида. — Техрон, 2006.] (форс тилида); [Мавлон Ҳамид, پروفیسور سید حمید موالنا، دکتر منوچهر محمدی. سیاست خارجی جمهوری اسلامی ایران در دولت احمدی نژاد – تهران نشر، 2009.] (форс тилида); یوسفی، امیرمحمد. سیاست در پرتو تحولات منطقه ای 1990-2001، تهران. [Хожии Юсуф Амир Мухаммад. Минтақадаги ўзгаришлар фонида Эрон Ислом Республикасининг ташқи сиёсати (1991–2001 йй.). — Техрон, 2008.] (форс тилида); فیروزآبادی د سیدجلال، تحول گفتمانی در سیاست خارجی جمهوری اسلامی مؤسسه ایران، تهران، 1384. [Фирозободий Д., Жалил С. ЭИР ташқи сиёсатида дискурс трансформацияси. — Техрон: Эрон институти, 2005] (форс тилида).

1979 йил воқеаларидан кейин Эронга, унинг ташқи ва ички сиёсатига нисбатан пайдо бўлган ўзига хос қизиқиш икки аср чегарасида янада ортди. Бу Эрон ядро дастурининг ривожланиши билан боғлиқ эди. Ж.Калабрезонинг “Инқилобий уфқлар: Эроннинг Хумайнийдан кейинги минтақавий ташқи сиёсати” монографияси алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, унда 1989–2005 йилларда мамлакат ташқи сиёсатининг турли жиҳатлари атрофлича таҳлил этилган. Асарда муаллиф куйидаги муҳим хулосага келган: Эрон сиёсий йўналишининг шартлилиги ва ташқи сиёсат соҳасида самарали ҳаракатларни танлаш чегаралари кўп жиҳатдан ички ва ташқи муҳитлардан иборат “хавфсизлик муҳити”нинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ; инқилоб Эроннинг минтақавий барқарорликни таъминлаш борасидаги асосий хавотирини ўзгартирмади, балки ўйинчиларнинг ролини ўзгартирди²³.

К.Сажадпур минтақада Эроннинг таъсирини кучайтириш борасидаги Олий рҳбар А.Хаманей стратегиясининг учта асосий таркибий қисмини ажратиш таклифини билдирган. “Биринчиси — Эрон ва бошқа ислом давлатларининг манфаатлари ҳам бир, душманлари ҳам бир, деган ғояни тарғиб қилиш... Иккинчиси — Эроннинг минтақадаги таъсири ва қудратини ёйишнинг энг яхши йўли, демократик сайловлардир, деган ишонч. ...Стратегиянинг учинчи таркибий қисми ... номунтазам ҳарбийлаштирилган тузилмаларни яратиш орқали давлат сиёсий ва маданий таъсирни уйғунлаштириш...”²⁴.

Эрон ташқи сиёсатининг шаклланишини англашда америкалик ёзувчи Ширин Хантернинг “Эроннинг постсовет давридаги ташқи сиёсати: янги халқаро тартибга қаршилик кўрсатиш”²⁵ китоби алоҳида аҳамият касб этади. Асарда Эроннинг собиқ Совет Иттифоқи тарқалиб кетганидан кейинги даврда унинг ўрнида пайдо бўлган янги давлатлар ва жаҳон кучлари билан алоқаларига доир масалалар кўриб чиқилган. Шунингдек, бу даврда Эрон ўз ташқи сиёсатини янги воқеликларга мос тарзда ўзгартиришга мажбур бўлгани, халқаро миқёсда босимларга дуч кела бошлагани зикр этилган.

Россиялик олим Н.Кожановнинг “Эроннинг стратегик тафаккури – 1979–2018 йилларда Эрон ташқи сиёсатининг эволюцияси”²⁶ номли монографиясида Эрон ташқи сиёсатида минтақавий ва глобал миқёсда юз берган ўзгаришларга, шунингдек, бу каби воқеалар фонида Эроннинг қарор қабул қилиш

²³ *Calabrese John*. Revolutionary Horizons: Regional Foreign Policy in Post Khomeini Iran. — N.Y.: St. Martin's press, 1994. — P. 144.

²⁴ *Саджадпур Карим*. Аятолла Хаменеи: Высший руководитель // Pro et Contra. — 2008. — № 4. — С. 27.

²⁵ *Hunter S*. Iran's foreign policy in the post-Soviet era: resisting the new international order. ABC-CLIO, 2010.

²⁶ *Kozhanov N*. Iran's Strategic Thinking — The Evolution of Iran's Foreign Policy 1979–2018. — Berlin: Gerlach Press, 2018. — 190 p.

механизмидаги сезиларли фарқларга олиб келган сабабларни атрофлича тушунтирган. Муаллиф бўлиб ўтган воқеаларни таҳлил қилишда Эроннинг 1979-2018 йиллардаги ташқи сиёсатига ортиқча тўхталмай, балки мамлакат ташқи сиёсий фаолиятига оид қарор қабул қилишда иштирок этувчи субъектлар фаолиятига асосий урғу берган ҳолда таҳлил қилган. Шунингдек, муаллифнинг фикрича, Эрон беқарор бўлиб турган Яқин Шарқ минтақасининг кучли давлати бўлиб қолмай, балки жаҳон иқтисодиёти, хавфсизлик ва сиёсий нуқтаи назаридан халқаро тизимларга таъсир кўрсата оладиган давлатдир. Эроннинг ҳозирги ташқи сиёсатини Олий раҳбар Али Хаманей бошчилигида консерваторлар амалга оширмакда. Айни вақтда Эрон ўзини Ғарбга қарши курашаётган барча мусулмонларнинг бирлаштиручи ва Яқин Шарқ энергетика геосиёсатининг етакчиси сифатида кўрмакда.

Кўпгина ғарб тадқиқотчилари Эрон омили билан боғлиқ жараёнларни салбий томондан кўрсатишга, диннинг манбаларига мурожаат қилишни ислом давлат тузумини яратишнинг ғоявий-сиёсий асосларини излаш деб баҳолашга мойилдирлар. Бундай ёндашув Эрон ташқи сиёсатининг концептуал мазмунини чуқур таҳлил қилиш имкониятини анча чеклаб қўяди.

Эрон президентлари А.А.Ҳошимий-Рафсанжоний, М.Хотамий, М.Аҳмадинажд ва Ҳ.Руҳоний олиб борган ташқи сиёсатдаги жараёнлар таҳлили С.Дитто²⁷, Л.Заккаро²⁸, А.Эҳташомий²⁹, П.Освич³⁰, М.Варнар³¹ ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Президент М.Аҳмадинажд даврида Эронда нашр этилган асарлар орасида эронлик муаллифларнинг Эрон ташқи сиёсати соҳасидаги бир қанча тадқиқотларини алоҳида қайд этиш зарур. Улар орасида Эрон ташқи сиёсатининг асосий ва устувор йўналишларини батафсил ўрганган С.Ж.Дехқоний-Фирузободийнинг “Эрон Ислом Республикасининг ташқи сиёсати”³², М.Аҳмадинажд президентлигининг биринчи даврида олиб борилган ташқи сиёсатни таҳлил қилиб, Эрон ташқи сиёсатининг “атом вектори”га алоҳида эътибор қаратган Ҳамид Мавлонийнинг

²⁷ *Stevan Ditto*. Reading Rouhani: The Promise and Peril of Iran’s New President. USA: The Washington Institute for Near East Policy, 2013. — 80 p.

²⁸ *Luciano Zaccara*. Foreign Policy of Iran under President Hassan Rouhani’s First Term (2013–2017). — Doha, Qatar: Palgrave Macmillan, 2020. — 250 p.

²⁹ Ehteshami, Anoushiravan and Mahjoob Zweiri. Iran’s Foreign Policy: From Khatami to Ahmadinejad. — England: Ithaca Press, 2012. — 180 p.

³⁰ *Przemysław Osiewicz*. The Iranian foreign policy in the Persian Gulf region under the rule of president Hassan Rouhani: continuity or change. — Przegród Strategiczny. — 2014. — No 7. — P. 249–262.

³¹ *Maaike Warnaar*. Iranian foreign policy during Ahmadinejad: Ideology and Actions. — Palgrave Macmillan, 2013. — 304 p.

³² *Дехқони-Фирузободий Сайид Жалил*. Сийасат-э хареджи-йе джомхури-йе эслами-йе Иран [Эрон Ислом Республикасининг ташқи сиёсати]. — Техрон, 2008. (форс тилида)

“М.Аҳмадинажд ҳукумати давридаги Эрон ташқи сиёсати”³³, А.М.Ҳожи-Юсуфийнинг “Эрон Ислом Республикасининг минтақадаги ўзгаришлар жараёнидаги ташқи сиёсати (1991–2001 йиллар)”³⁴, халқаро алоқалар бўйича мутахассис Техрон университети профессори Насрин Мосафф³⁵ таҳририда нашр этилган “Эрон ташқи сиёсатига бир назар” мақолалар тўплами алоҳида ажралиб туради.

Австралиянинг Алберт Декин университети тадқиқотчилари Ш.Акбарзода ва Д.Кондиутнинг “Эроннинг жаҳондаги ўрни: Президент Руҳонийнинг ташқи сиёсати”³⁶ китобида президент Ҳ.Руҳоний фаолиятининг дастлабки икки йилидаги ташқи сиёсатига Арманистон, Озарбайжон, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Сурия ҳамда Эрон-АҚШ муносабатлари мисолида баҳо берилган. Муаллифлар Эрон Ислом Республикасининг чуқур ўзгаришлар ва ўтиш давридаги ташқи сиёсатини ўрганиб, Эроннинг минтақавий ва глобал роли учун янги йўналишни белгилаб берган Ҳ. Руҳоний маъмурияти фаолиятидаги айрим ички зиддиятлар ва муҳим босқичларни ёритиб беришган.

Исроиллик эроншунос олим В.Месамеднинг “Эрон Марказий Осиёда: йигирма йиллик мулоқот” номли монографиясида Эрон ва постсовет давлатлари ўртасидаги муносабатлар тизимини шакллантириш йўллари таҳлил қилинган. Монография 1990-йилларнинг бошидан бошлаб, мамлакат тарихининг турли даврларида Эрон сиёсатининг муҳим йўналишлари ҳақида тасаввур беради. Муаллиф Эроннинг МДҲ давлатларидаги сиёсатига минтақавий ва йирик халқаро акторларнинг таъсирини тавсифлайди.

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб хулоса ўрнида ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Эроннинг 1980-йилларга ва 1990-йиллар бошига оид тарихи, шунингдек, Эрон ташқи сиёсатининг фактологик жиҳатлари чуқурроқ ўрганилган бўлса-да, бироқ глобал ва минтақавий муаммолар нисбатан кам тадқиқ этилган. Эрон Ислом Республикаси ташқи

³³ Мавлон Ҳамид, *Муҳаммади Манучехр*. Сийасат-э хареджи-йе джомхури-йе эслами-йе Иран дар доулат-э Аҳмадинэжд [Аҳмад Нажд ҳукумати даврида ЭИРнинг ташқи сиёсати]. — Техрон, 2009. (форс тилида)

³⁴ Ҳожи Юсуф Амир Муҳаммад. Сийасат-э хареджи-йе джомхури-йе эслами-йе Иран дар портоу тахвалат-э мантагеи. 1991–2001 [Минтақадаги ўзгаришлар фонида Эрон Ислом Республикасининг ташқи сиёсати (1991–2001 йй.)]. — Техрон, 2008/2007. (форс тилида)

³⁵ Нэгахи бе сийасат-э хареджи-йе джомхурий-йе эслами-йе Иран [Эрон Ислом Республикасининг ташқи сиёсатига назар: Мақолалар тўплами]. — Техрон, 2006/2005. (форс тилида)

³⁶ Akbarzadeh, Shahrām and Dara Conduit. Iran in the world: President Rouhani’s Foreign Policy. — London: Palgrave Macmillan, 2016. — 214 p.

сиёсати соҳасидаги концептуал материалларни аниқлаш эса ҳамон анча мушкул вазифа бўлиб қолмоқда.

REFERENCES

1. Юртаев В.И. Особенности и реализация внешней политики Исламской Республики Иран (1979–2010 гг.): Дис. ... д-ра ист.наук / РУДН. — М., 2012.
2. Barzegar Kayhan. Balance of Power in the Persian Gulf: an Iranian View // Middle East Policy.
3. Stevan Ditto. Reading Rouhani: The Promise and Peril of Iran's New President. USA: The Washington Institute for Near East Policy, 2013.
4. Luciano Zaccara. Foreign Policy of Iran under President Hassan Rouhani's First Term (2013–2017). — Doha, Qatar: Palgrave Macmillan, 2020.
5. Ehteshami, Anoushiravan and Mahjoob Zweiri. Iran's Foreign Policy: From Khatami to Ahmadinejad. — England: Ithaca Press, 2012.
6. Maaike Warnaar. Iranian foreign policy during Ahmadinejad: Ideology and Actions. — Palgrave Macmillan, 2013.
7. Деҳғони-Фирузободий Сайид Жалил. Сийасат-э хареджи-йе джомхури-йе эслами-йе Иран [Эрон Ислон Республикасининг ташқи сиёсати]. — Техрон, 2008. (форс тилида)